

**НАСРИЙ АСАРДА ПЕЙЗАЖНИНГ ЎРНИ
(ҚЎЧҚОР НОРҚОБИЛНИНГ АЙРИМ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)**

Гузал Амиркуловна Химматова

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори, доцент

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

guzalximmatova@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10966379>

Аннотация. Ушибу мақола пейзажнинг насрдаги ўрни ва аҳамияти хусусида. Ёзувчи пейзаж орқали нафақат табиат манзараси ва шу манзара орқали афғон урушининг фожеалари ёзувчи томонидан тасвирланганлиги ҳақида фикрлар юритилган.

Калим сўзлар: Бадиий адабиёт, жсангчи, оғриқ, новелла, характер, ҳарактер, жсанг, пейзаж, ҳаёт, манзара, тушунши, билиш.

МЕСТО ПЕЙЗАЖА В ПРОЗИЧНОМ ПРОИЗВЕДЕНИИ

Аннотация. Эта статья о роли и значении пейзажа в прозе. Думается, что не только пейзаж природы, но и трагедии Афганской войны были описаны писателем через пейзаж писателя.

Ключевые слова: художественная литература, воин, боль, роман, персонаж, персонаж, война, пейзаж, жизнь, пейзаж, понимание, знание.

THE PLACE OF LANDSCAPE IN PROSE

Abstract. This article is about the role and importance of landscape in prose. Through the writer's landscape, not only the natural landscape and the tragedies of the Afghan war are described by the writer through this landscape.

Keywords: Fiction, warrior, pain, novella, character, character, battle, landscape, life, scenery, understanding, knowledge.

Бадиий адабиётнинг асосий вазифаси “инсонни тушуниш, билиш, англаш” деган қонуният мавжуд. Асарда инсоннинг ички олами, кўпинча, унинг ўй-фикрлари орқали намоён қилинади. Ички монолог қаҳрамон характерини янада теранроқ очиб беришга хизмат қиласи. Қ.Норқобилнинг “Босинқираш” ҳикояси ва “Асорат” новелласи тўлалигича ички монолог асосида ёзилган. Уларда жангчи-ёзувчининг ички кечинмалари, уруш хотиралари, оғриқ ва азоблари ифодаланади. Масалан, “Асорат”да шундай парча келтирилган: “Бу кеча ҳам хона чироқларини ўчирмадим... Уйқум келмаяпти. Умуман мен ҳеч қачон ухламаганман. Бу кеча ўзим жангдан келаман... Эртага ҳам, индинга ҳам, ҳар кун

менинг ҳаётим бир зайлда ўтади. Мен ўзимни Сизнинг орангизда юрганимга, ҳаммангиз қатори ҳаётингизда ташвишлар билан ўралашиб, умр кечираётганимга-да ишонмайман. Мен йўқман, фақат битта Кўчкор бор. Урушларда қолиб кетди Кўчкор. У ҳар куни ҳузуримга келади” [1.308].

Урушда бўлмаган инсон ҳеч қачон унинг даҳшатини ҳис қила олмайди. Уруш хақида китоблар ўқиши, фильмлар кўриши ва шу орқали маълум бир маънода тасаввур уйғониши мумкин. Жангдан омон қайтган киши ўзи билан қалб жароҳатини ҳам олиб қайтади. Жангда тана жароҳат олиши мумкин. Жароҳат ўрни битар, борингки, ундан асорат сифатида бирон белги, чандиқ қолар. Аммо қалbdаги асорат оғирроқ. У бир умр азоб беради. Ёзувчи ҳикояда ана шу қалб жароҳатлари асоратларини қофозга туширади.

Қ.Норқобилнинг уруш мавзусидаги асарларида бадиий тасвиirlар ҳам ўзига хослик касб этади. Пейзаж воқеликни жонли, китобхонга аниқ тасаввур уйғотишида муҳим ўрин тутади. Пейзаж бадииятнинг муҳим компонентларидан биридир. Пейзажга “Адабиётшунослик луғати”да шундай таъриф берилади:

“ПЕЙЗАЖ (французча paysage – жой, юрт) – адабий асарда яратилувчи бадиий воқеликнинг муҳим компоненти, воқеалар кечувчи очиқ макон (ёпиқ макон - интеръер) тасвири. Анъанага кўра, пейзаж дейилганда табиат тасвири тушунилади, лекин бу хил тушуниш бирмунча торроқ. Чунки пейзаж нафақат табиатни (агар бу сўз остида бирламчи табиат тушунилса), балки у билан бирга инсон томонидан яратилган нарсалар тасвирини ҳам кўзда тутади. Шу маънода, масалан, бирон-бир хиёбон ёки шаҳар кўчасинин тасвири ҳам пейзаж., ҳолбуки, улар табиат тасвири эмас, жой тасвиридир”[2.221].

М.Султонова пейзаж муаммосини монографик планда ўрганган. Унга кўра, “ёзувчи ўз ғоявий ниятини фақат қаҳрамонларнинг хатти-харакатлари орқали эмас, балки уларни ўраб турган табиат манзараларини тасвиirlаш орқали амалга оширади. Пейзаж тасвири орқали ўқувчига таъсир этишини, ундаги гўзаллик туйғуларини тарбиялашни ҳам кўзда тутади”[3].

Айнан пейзаж ёрдамида ўқувчи воқеаларнинг қаерда (кемада, шаҳар кўчаларида, ўрмонда ва ҳоказоларда) ва қачон содир бўлишини (яъни қайси вақтда содир бўлишини) аниқ тасаввур қила олади.

Аммо пейзажга ҳар бир ижодкор индивидуал ёндашишини назардан четда қолдириб бўлмайди. Табиат ва жой манзараларининг тасвири қаҳрамон рухиятини ҳам ифодалайди. Бу нафақат инсон рухиятидаги гўзаллик туйғулари, эстетик жиҳатларини, балки тушкун, ваҳм, даҳшатни ифодалашда ҳам кўринади. “Дарё ортидаги йиғи” қиссасида адиб жангтоҳларни тасвиirlашда, жангчилар кайфияти, рухиятини ифодалашда пейзаж

воситаларидан фойдаланади: “Кузнинг сокин тонги. Яланғоч дараҳтлар қилт этмайди. Совуқ этни жунжиктиради. Бу сирли сокинлик ичра ўлим ваҳми кезади. Кичик уйлар, хароба ҳовлилар рассом тасвирлаган аллақандай сувратни эсга солади. Взвод шу қишлоқни ёриб ўтиб, Баграм йўлида химояга туриши керак. Кобулдан Саланг тоғларига озиқ-овқат олиб ўтаётган машиналарни қўриқлаб туриши лозим. Бу ер ўлим маскани, деб номланган Чорикорнинг бошланиш кисми.[4.81]

Юқоридаги парчада куз, совуқ ҳаво, вайрон бўлган харобалар орқали урушнинг бутун бир даҳшатини кўрсатиб беради.

Мана бу парчада эса бошқа бир кайфият ҳукмрон: “Ҳаво тоза эди. Ёмғирдан чайилган тоғ-адирлар гўё қўл узатсанг етгудай яқинлашиб қолган. Атроф тип-тиник. Қисм худудига ҳам аллақандай файз кирган. Казармалар кечагидай ғариб аҳволда эмас. Осмонда пага-пага нур ичириб эркалаётгандай – гоҳ борлиқни чароғон этади, гоҳ сурув булутлар ортидан паналайди”[5.187].

Бу парчада эса пейзаж тасвирида ваҳм, тушкун кайфиятдан қўра умидбахш туйғулар ифодаланган, гўёки атрофда уруш бўлмагандай. Атроф, табиатнинг мўъжизалари бир зум бўлса-да сизга уруш даҳшатини унуттиради. Инсонга бир умид, яшашга интилишни беради. Демак, пейзаж инсон рухиятини, кайфиятини кўрсатиша мухим восита бўлиб хизмат қиласи.

Пейзаж, айниқса, уруш бўлган ҳудуд манзаралари тасвирида воқелик ҳақида муайян тасаввур беради. Яъни, урушнинг даҳшатини ифодалашда мухим восита бўлиб хизмат қиласи. Қ.Норқобил урушни тасвирлар экан, жангдан кейинги ҳолатлар, манзараларни майда деталигача кўрсатади.

Пейзажда интеръер ҳам мухим ўрин тутади. Бадиий асарда интеръер персонажларнинг яшаш шароитларини кўрсатади ва шу билан асосан персонажлар ва ижтимоий мухитни тавсифлаш учун ишлатилади.

Муаллиф ўқувчи учун айтилмаган нарсаларни таърифлаши шарт эмас. Масалан, Лев Толстой "Уруш ва тинчлик" да асосан индивидуал тафсилотлар билан чекланган. Санкт-Петербургдаги княз Андрейнинг уйи аслида таърифланмаган, фақат овқатланиш хонаси ҳақида у “нафис, янгидан, бой” безатилган деб айтилган: “салфеткалардан тортиб, кумуш, фаянс ва билургача бўлган ҳамма нарсалар энди турмуш қурилган оиласида содир бўладиган янгиликнинг ўзига хос изи”. Бундан ўқувчи ошхона ҳақида тахминий тасаввурга эга бўлади.

Баъзида ёзувчи бирон ёпиқ макон, яъни интеръерни тасвирлашда кенг тафсилотлар, майда деталларгача кўрсатади. Қ.Норқобил “Кулиб тур, азизим” қиссасида жой, макон

тасвирини батафсил тасвирлайди: “Қишлоқни оралаб ўтдик. Ўқ отилмади. Ўн еттинчи кузатув нұктасига етиб бордик. Атрофи баланд девор билан ўралган қалъа. Унинг уч тарафида маҳсус истеҳкомлар қурилиб, танклар қўйилган эди. Кузатувчи аскарлар ҳар қунлик ишимиз шу, атрофни кузатиб турибмиз дегандай, қўлинни иягига тираб хаёл суриб туришарди.

Ичкарида эса, ховлида ўчоқ, тандир, қудук, супа. Қисқаси, қўргон бой кишининг ҳовлиси бўлғанлиги билиниб турибди. Ҳовлининг кун ботарида сарҳадсиз токзор чўзилган. Узум новдалари пиндик отиб, барг чиқариб қолган эди. Сўл томонда эса улкан боғ ястанган. Ўриклар оппоқ гулга кирган. Қўргон ичкарисидаги кенг хоналарнинг бирида йигирма чоғли аскарга жой ҳозирланган. Кейинги хона ошхона. Бириси офицерлар ётоғи. Кичик хонага алоқа қурилмалари, турли хил ускуналар ўрнатилган. Ҳовли сатҳида ҳар хил ҳажмдаги ўқ гилзалари, БМП-2, танк снарядлари сочилиб ётарди. Супа ёнида снарядлар жойлашган қутилар тахланиб турар, берироқдаги чуқурда эса ток тарқатувчи двигател жойлаширилганди”[6.117].

Юқоридаги парчада уруш кечётган маконни бўёқларсиз, аслилигича тасвирлаб беришга ҳаракат қилган. Адид китобхонга қўпроқ информация бериш орқали уруш манзараларини янада тўлароқ очиб беради.

Ёки “Дарё ортидаги йиғи” қиссасини олайлик. Баҳор чекиниб, ёруғ ва ҳароратли кунлар бошланди. Офтобуар паллада табиатнинг ҳар бир мавжудоти ботинида бўшанглик етилади. Бунақа ҳолатда кишига ҳеч нарса ёқмайди. Агар ротадагиларга дала машқи, қоровулхонага бориш ҳақида батальон штабидан буйруқ келса, асти қўяверинг. Жангчиларнинг қовоқ-тумшуғи осилиб, қўпчилик дарров касал бўлиб қоларди. Шундай мудроқли кунларнинг бирида полк карнайи важоҳатли чийиллаб, казарма устидаги капитарлар тинчи бузилди. Икки дақиқа ўтар-ўтмас саф майдонида тўқис қуролланган аскарлар тизилишиб турарди. Полк командири ҳарбийча саломдан сўнг, барча зобит ва прапоршчикларни ҳузурига чорлади.

- Бирор совуқ хабарнинг иси келаяпти, — деди Мўмин.
- Урушга чиқамизов. Ишқилиб худо урган жойга бормайлик-да.
- Афғонистоннинг қаерида оромгоҳ бор? — дея кесатдим мен.
- Ҳархолда, тирик қайтишингга ишонадиган жойлар топилиб колади...
- Панжшир ё Чорикорга дейишса-чи?
- Нафасингни ел олсин!
- Ел оладими, сел оладими, бўлиши мумкин...
- Броня зудлик билан — паркка, пиёдалар — жанг тўрvasини тайёрласин! Битта БМП

дүхтирлар билан боради. Кечкурун йўлга тушамиз, — деди рота командири қатъий оҳангда.

Кун оққач, парк ортидаги майдонга машиналарни олиб чиқдик.

— Ўн тўртинчи, сен тиббий қисмга борасан! — деди рота техники, прапоршчик Довгий.

Мен дўхтирлар билан бирга бўлишдан қувондим. Ринат икковимиз полк “тиббий қисмига етиб келганимизда дўхтирлар хамма ашқол-дашқолларини ташқарига чиқариб бўлишган, ёнида дўхтирлар белгиси туширилган кўкимтири, иккита усти ёпиқ машинага зарур жиҳозларни юклашаётган эди. Бизни қузойнак тақиб олган катта лейтенант карши олди.

— Иккинчи ротаданми? Яхши бўлди. Мен сизлар билан бораман.[7.135]

Ушбу табиат тасвири орқали адаб афғон табиати ва манзарасини тасвирлаши билан бир ўринда жангчилар ички руҳияти, жанг манзараларини улар психологиясига таъсирини пейзаж орқали тасвирлаб берганлигини англамоғимиз керак.

Маълумки, лирикада насрга нисбатан пейзажнинг тасвир кўлами кенгроқ. Кўп ҳолларда пейзаж лирикасида табиат манзараси шоир учун бир восита вазифасини бажариши, рамзий образга айланиб, ижтимоий мавзуларни ифодалashi мумкин .

Аммо Қўчқор Норқобилнинг эса, нафақат лирикасида, балки насрода ҳам пейзаж алоҳида ўрин тутишини у ёзган асарлари орқаади кўришимиз мумкин. Адаб насрода пейзаж кўпроқ лирик кайфият, табиатдан завқланиш, оний лаҳзалар ифодаси билан таассурот қолдиради. Бунинг исботини, юқорида тахлилга тортилган асарлари мисолида кўришимиз мумкин.

REFERENCES

- Норқобил Қ. Асорат / Куёшни ким уйғотади?: қиссалар, ҳикоялар. – Т.: “Шарқ” НМАК, 2007. – 308 б.
- Қуров Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013. – Б.220-221.
- <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/muhim-badiiy-vosita/#>
- Норқобил Қўчқор. Кулиб тур, азизим. Куёшни ким уйғотади?: қиссалар, ҳикоялар – Т.: “Шарқ” МАК, 2007. – Б.81.
- Норқобил Қўчқор. Ўн саккизга кирмаган мен бор. Куёшни ким уйғотади?: қиссалар, ҳикоялар – Т.: “Шарқ” НМАК, 2007. – Б.187.
- Норқобил Қўчқор. Кулиб тур, азизим. Куёшни ким уйғотади?: қиссалар, ҳикоялар – Т.: “Шарқ” НМАК, 2007. – Б.117.

7. Норқобил Құчқор. Кулиб тур, азизим. Дарё ортидаги йиғи: қиссалар, ҳикоялар – Т.: “Шарқ” НМАК, 2007. – Б.135.